

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Бўстон тумани

“14” июн 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Бўстон туман Ҳалқ таълими бўлими” номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Ахмадалиев бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юриталидаган “Eco Creator” MCHJ номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Б.Ғаниев иккинчи томондан бўлиб Бўстон туман 48-ИДУМ биноси иситиш тизими ва ташки хожатхонасини жорий тамирлашга доир пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бўстон туман 48-ИДУМ биноси иситиш тизими ва ташки хожатхонасини жорий тамирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

1.3. Жорий таъмирлаш ишлари сифатли бўлиши шарт.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар умумий қиймати соликлар, ККС ва бошка йигимларни хисобга олган холда 847 000 000 (Саккиз юз кирқ етти миллион) сўмни ташкил этади

2.2. Ишлар қиймати узил кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Кўйидаги холлар мустасно:

-Таъмирлаш қиймати ва муддатини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган (форс – мажор) холати сабаб бўлганда;

-Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ўртасидаги шартномасига кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг 1- чи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ва ўз муддатида бажариш хамда, ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

3.2. Таъмирлаш майдонига зарур бўлган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Буюртмачи мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларни “Пудратчи” томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг топширилиши учун тўлиқ мулкий жавоб беради.

Ишлар бажарилиши устида доимий қурилиш назорати ва мазкур шартномада кайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш; Шартномага асосан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. Ишларни бажариш муллати

5.1 “Пудратчи” мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушнган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни бажариш муддати аванс тўловидан этътиборан 70 кунни ташкил этади.

5.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. Тўловлар ва хисоб – китоблар

6.1 “Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик тизимидан руйхатдан утиб, бюджет маблаглари хисобидан бўлса Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 414-сонлии карори билан белгиланган тўловлар кетма кетлигига, бюджетдан ташкари маблаглар хисобидан бўлса шахсий хисоб варак колдикка асосан 5 банк иш кунида ““Буюртмачи” бажарилган иш ёки курсатилган хизматнинг умумий суммасининг 30 фойзини бу 254 100 000 (Икки юз эллик тўрт миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади, олдиндан аванс тарикасида “Пудратчи”нинг хисоб ракамига утказиб беради. Колган кисми бажарилган ишларни курсатилган хизматларни хисоб фактурага асосан утказиб берилади.

6.2 “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва маблағларни тўлаш учун ишларни бажариш ва топшириш далолатномалари асос хисобланади. Ишларни қабул килиш далолатномалари хар ойининг охирида “Буюртмачи” томонидан 72 соат мобайнида кўриб чиқилиб расмийлаштирилиши зарур. Кўшимча килинган ишлар керакли хужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг кушимча келишувга асосан утказиб берилади.

7. Ишларни бажариш

7.1 “Буюртмачи” таъмирлаш майдонида ўз вакилини “Техник назоратчи”ни тайинлайди. У “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланадиган материаллар ва асбоб – ускуналар шартномага шартларига мувофиқлигини текширади.

7.2 “Пудратчи” ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг V – бўлимда кўрсатилаган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

7.3 “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб – ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларни сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8. Енгид бўлмайдиган куч (форс – мажор) холатлари

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ундан ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгид бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вакт чўзилса, у холда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириши ёки уларни консервация килиши учун қандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартноманинг бекор килинишини талаб килишга хаклидир

9. Курилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1 Объектларни уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ёзма билдирувдан кейин “Буюртмачи” томонидан 3 кун мобайнида қабул қилиб олилади.

9.2 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

10. Шартноманинг бекор килиш.

10.1 Шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктириганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш ишлари бажарилмагандан.

10.2 Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказган заарни шу жумладан бой берилгандан фойдани тўлайди.

10.3 Шартнома Газначилик бўлинмаси руйхатидан ўткандан сўнг кучга киради ва **“31” декабр 2022 йилгача амал килади**

11. Томонларнинг хуқуқий жавобгарлиги

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказган заарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий хукуй базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 3-сентябридаги “Капитал курилиша иқтисодий муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 395-сонли карори (пл. 2.3) ва бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

11.2 Мазкур шартномага тегишли пловаларда курсатилаган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларнинг бузилганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,005% микдорида пепя тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматларнинг 50% ошмаслиги лозим.

11.3 “Пудратчи” объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида пепя тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

12. Низоларни хал этиш тартиби.

12. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Бўстон туманларо иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

ПУДРАТЧИ

« Eco Creator MCHJ »

Манзили: Асака тумани Илғор МФЙ Қўргон
олди кўчаси

х/р: 2020 8000 405 079 801 001

Банк номи: Миллий банк Асака филиали

СТИР: 306 442 695 МФО: 00893

Ташкилот раҳбари:

Б.Ғаниев

БУЮРТМАЧИ

Бўстон тумани Халқ таълим бўлими

Манзили: Бўстон тумани Гузар МФЙ
Ш/хв: 401722860032097092100075005

СТИР: 200 264 426 МФО: 00014

Фазначилик бўлинмаси номи: Молия


Вазирлиги фазначилиги ягона фазначилик

х/р 23402000300100001010

Тошкент шахар Марказий банк XKKM, МФО

00014, СТИР 201 122 919

Ташкилот раҳбари: А.Ахмадалиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№CB82273206

Loyihaning turi

Shartnoma

Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

Loyihaning mazmuni

Pudratchi” mazkur shartnoma shartlariga muvofiq Bo'ston tuman 48-IDUM binosi isitish tizimi va tashki xojatxonasini joriy tamirlash ishlarini bajarish majburiyatini oladi. “Buyurtmachi” esa “Pudratchi”ga qurilish ishlarini bajarish uchun zarur sharoitlar yaratish va to'lovlarni amalga oshirish majburiyatlarini oladi. Joriy ta'mirlash ishlari sifatli bo'lishi shart. Shartnoma bo'yicha ishlar qiymati. Mazkur shartnoma bo'yicha “Pudratchi” tomonidan bajariladigan ishlar umumiy qiymati soliqlar, QQS va boshqa yig'implarni xisobga olgan xolda 847 000 000 (Sakkiz yuz qirq yetti million) so'mni tashkil etadi.

Bo'ston tuman xalq ta'limi bo'lim

2022 yil «17» iyun

Loyiha amaldagi normativ huquqiy hujjatlarga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «17» iyun

**Bo'ston tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti:**



Sh.O'rmonov